# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

## БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК, ТАҲЛИЛИЙ НАШРИ

ISSN 2010-6602 ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА 2021 ЙИЛ 27 ЯНВАРЬ ЧОРШАНБА № 03 (1286)


ТАЙИНЛОВ

## МАРКАЗИЙ БАНК РАИСИГА ЯНГИ ЎРИНБОСАР ТАЙИНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Аброрхўжа Акбарович Турдалиев Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раисининг ўринбосари этиб тайинланди.



Унинг зиммасига кредит ташкилотлари пруденциал назорати, кредит ташкилотларида молиявий мониторингни мувофиқлаштириш ва валюта назорати, кредит ташкилотларини инспекция қилиш йўналишларини мувофиқлаштириб бориш вазифаси юклатилди.

А.Турдалиев 1979 йил Тошкент вилоятида туғилган. 2000 йили Тошкент молия институтини, 2013 йили Банк-молия академиясини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида етакчи иқтисодчиликдан бошлаб, бош иқтисодчи, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғи, департамент директори ўринбосари каби лавозимларда фаолият юритган. Лавозимга тайинлангунга қадар эса, у Марказий банкнинг Кредит ташкилотлари пруденциал назорати департаменти директори бўлиб ишлаб келаётганди.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банк матбуот хизмати

## АСОСИЙ СТАВКА ҚАЧОН ПАСАЯДИ?



Бугунги кунда аҳолимизнинг аксарияти тижорат банкларидаги кредитлар фоизи баландлигини гапиришади. Айниқса, ипотека кредитларнинг бошқа мамлакатларга нисбатан анча юқори эканлигини кўп бор такрорланади. Ҳатто, Марказий банк раҳбарияти иштирокида бўлиб ўтадиган тадбирларда ушбу масала доимо кўтарилади. Албатта, бу кредитларни тушириш учун эса аввало, асосий ставкани пасайтириш лозим. Хўш, асосий ставка қачон туширилади?

Жорий йилнинг 21 январь куни Марказий банк Бошқаруви асосий ставкани йиллик 14 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида қарор қабул қилди.

(Давоми 4-саҳифада)

TURON BANK

## ТРАНСФОРМАЦИЯ ТОМОН ТАШЛАНАЁТГАН ИШОНЧЛИ ҚАДАМ!



Ҳеч кимга сир эмас, мамлакатимизга кириб келаётган хорижлик инвесторлар оқими сўнгги вақтларда сезиларли даражада ошмоқда. Уларнинг талабига жавоб бериш баробарида, кучли рақобат муҳити шаклланган айни пайтда банклар ҳам ўз иш услубини ўзгартиришга, мижозлар хоҳиш – истакларини тўлиқ қондиришга, янги инновацион хизматларни жорий этишга ҳаракат қиляпти.

(Давоми 3-саҳифада)


БУ МАҲАЛЛАДА "ТРАСТБАНК"НИ ЯХШИ БИЛИШАДИ 4>

ҚОЗОҒИСТОН ИСЛОМ МОЛИЯСИ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАШИ МУМКИН 7>

АКТИВИЗИРУЕТСЯ ИНВЕСТИЦИОННОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО РЕСПУБЛИКИ 12>









Юртимизда "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида ёшлар ва хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда.



# "АГРОБАНК" ЁШЛАР ВА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЯПТИ?

Албатта, бу ишларни тижорат банклари молиявий кўмагисиз амалга ошириб бўлмайди. "Агробанк" АТБ томонидан ҳам шу йўналишдаги истиқболли лойиҳаларга имтиёзли кредитлар ажратилиб, интилувчан ёшлар ва ташаббускор аёлларнинг муваффақиятли бизнес бошлаб олишларида амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Хусусан, банкнинг Тошкент шаҳар филиали томонидан айни шу йўналиш бўйича жорий йил давомида 642 та тадбиркорлик субъектларига 37,3 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган. Бунинг натижасида тикувчилик, ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишларидаги юзлаб лойиҳалар муваффақиятли ишга туширилиб, янги иш ўринлари яратилишига эришилган.

Бундан ташқари, "Ёшлар келажагимиз" дастури доирасидаги лойиҳаларга жорий йилда банкнинг Тошкент шаҳар филиали томонидан 5 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтирилган.

Наргиза Одилова ана шундай имкониятдан фойдаланиб, тадбиркорлик фаолиятида ўз ўрнини топишга интилаётган ёшлардан бири. Унинг гўзаллик салони ташкил этиб, янги иш ўринлари яратиш лойиҳаси ҳам банк томонидан 33 миллион сўм имтиёзли кредит маблағлари билан қўллаб-қувватланди.

Ёшлар ва аёллар тадбиркорлиги йўналишидаги ушбу лойиҳалар муваффақияти албатта юртимиз равнақида ўз аксини топиши тайин. "Агробанк" акциядорлик тижорат банки эса истиқболли ташаббусларни қўллаб-қувватлашда давом этади.

# "ЧИРЧИҚ" БАНК ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ ИШГА ТУШДИ

**Айни пайтда "Микрокредитбанк" томонидан банк фаолиятини молиявий соғломлаштириш, операцион харажатларни оптималлаштириш ҳисобига хизмат кўрсатиш географиясини кенгайтириш мақсадида ихчам ва кам харажат талаб қилувчи "Банк хизматлари марказлари" фаолияти йўлга қўйилмоқда. Буни биргина Тошкент вилоят мисолида қарайдиган бўлсак, ўтган йил давомида вилоятда 4 та банк хизматлари марказлари очилган бўлса, 2021 йил давомида яна 6 та банк хизматлари марказларини очиш режалаштирилган.**



Банк ўтган йил давомида кичик бизнес субъектларига жами 905 та мижозга 398,4 млрд.сўм йўналтирган бўлса, шундан хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун 157,1 млрд.сўм, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 56,8 млрд.сўм, саноатни ривожлантириш учун 64,1 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган бўлса, 4500 дан ортиқ жисмоний шахслар учун жами 84,8 млрд.сўм молиявий кўмак берилди.

Бундан ташқари ижтимоий дастурлар учун жами 1514 та мижозга 69,4 млрд. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилган. Шундан, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида 1047 та мижозга 48,2 млрд. сўм, ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 220 та мижозга 6,9 млрд.сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилган.

Қисқасини айтганда, энди шу каби кўплаб лойиҳалар барча шарт-шароитлар яратилган янги бинодаги банк хизматлари марказида амалга ошириладиган бўлди. Қолаверса, замонавий бинода ўз фаолиятини давом эттиришни бошлаган "Чирчиқ" банк хизматлари маркази ҳудуд аҳолиси учун Янги йилда янгича қулайлик яратади.

# БАНКНИНГ УМУМИЙ КАПИТАЛИ 6,7 ТРЛН. СЎМГА ЕТДИ




**Яқинда "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Бошқарувининг 2020 йил якунлари ва 2021 йилга мўлжалланган устувор вазифалари муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида келтириб ўтилган вазифаларга тўхталиниб, банк тизимига доир масалалар чуқур ўрганилди.**

Айниқса, "Маҳаллабай" ишлаш тизими юзасидан 11-16 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ўтказилган ўқув-амалий семинар натижаларини ҳудудий филиаллар ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳамда мазкур тизим бўйича ишларни тизимли йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилиш давомида Бошқарув аъзолари томонидан Банкнинг жорий йилга мўлжалланган стратегик режаси муҳокама қилиниб, Мурожаатномада келтирилган соҳага оид вазифаларга мувофиқлаштирилди.

Шундан сўнг йиғилиш кун тартибига кўра, Банкнинг 2020 йил якунлари бўйича фаолияти сарҳисоб қилинди.

Ҳисобот даврида Банк активлари 49 трлн. сўмни, кредит портфели 39,9 трлн. сўмни, жами депозитлар 11,4 трлн. сўмни ҳамда умумий капитали 6,7 трлн. сўмни ташкил этди.

Йиғилишда Банк томонидан коронавирус пандемияси оқибатларини юмшатиш борасида кўрилган чора-тадбирларнинг ҳам ҳисоботи тингланди.

Унга мувофиқ, пандемия сабабли қийин аҳволга тушиб қолган 1235 нафар тадбиркорни қўллаб-қувватлаш учун 4 трлн. сўм, 91 та экспортёрга 2,6 трлн. сўм кредит ажратилгани, 3 809 та мижознинг 2,9 трлн. сўмлик кредитлари муддати 6 ойга узайтирилгани айтиб ўтилди. 132 та экспортёрларга айланма маблағларни тўлдириш учун 3,6 трлн. сўм молиялаштирилди.

Шу билан бирга, Халқаро молия корпорацияси кўмагида Ўзбекистонда биринчи бўлиб яшил лойиҳаларни молиялаштириш механизми йўлга қўйилди, 31,9 млн. долларлик 17 та ана шундай лойиҳа молиялаштирилди.

Бундан ташқари, Халқаро молия корпорацияси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари кўмагидаги Банкни трансформация қилишнинг 2-босқич ишлари якунига кўра, Халқаро стандартлар асосида корпоратив бошқарув ва риск менежмент тизими такомиллаштирилди, Кенгаш таркибига банк-молия соҳасида халқаро тажрибага эга 4 нафар мустақил аъзо киритилди, Корпоратив бошқарув хизмати жорий қилиниб, Кенгаш таркибида 5 та янги қўмита ташкил этилди.

Қолаверса, мижозларга йўналтирилган Банкнинг янги ташкилий тузилмаси жорий қилиниб, халқаро тажрибалар асосида ташкилий тузилма 5 та блокка ажратилди.

Тадбиркорлар ва аҳолини кредитлаш жараёнини осонлаштириш мақсадида инсон омили иштирок этмайдиган янги скоринг тизимига асосланган Андеррайтинг йўлга қўйилди. Аввалги 5 поғонали кредитлаш тизими 2 поғоналига туширилди.

Рақамли банк хизматларини кўрсатиш йўлида аҳоли учун мутлақо янги 58 та хизмат турини ўз ичига олган "JOYDA" мобил иловаси ишга туширилди. Илова билан биргаликда хизмат ва товарларни истеъмол кредити ҳисобига масофадан сотиб олиш имконини берувчи электрон савдо майдончаси (маркетплейс) ташкил этилди. Бу банк мижозлари учун бир қатор қулайликлар яратганлиги боис, иловадан фойдаланувчилар сони ҳам тобора ортмоқда.

Ўтган йил давомида банк хизматларини мижозларга яқинлаштириш мақсадида республикамиз бўйлаб 42 та банк хизматлари офиси ва 89 та ўз-ўзига хизмат кўрсатиш маркази (24/7) ташкил этилди. Бу эса банк мижозларини сонининг ортишига хизмат қилди.

Йиғилишда Бошқарув аъзолари келгусида Банк умумий активлари ҳажмини 52,2 трлн. сўмга, кредит портфелини 44,4 трлн. сўмга ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг жами депозитлари қолдиғини 11 трлн. сўмга етказиш режалаштирилганини ҳам қайд этди.

Йиғилиш якунида кун тартибидаги масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

TURON BANK

# ТРАНСФОРМАЦИЯ ТОМОН ТАШЛАНАЁТГАН ИШОНЧЛИ ҚАДАМ!




*Реклама ўрнида*

(Бошланиши 1-саҳифада)

Бир сўз билан айтганда, молия муассасаларида замонавий трансформация жараёнлари бошлаб юборилган. Бунда асосий эътибор, корпоратив маданият ва мижоз билан бўлган муносабатларни хориж тажрибаси асосида янада яхшилаш, ходимларнинг билим ва кўникмаларини доимий тарзда такомиллаштириб бориш, ўз устида ишлашлари учун шароит яратиш сингари қатор муҳим жиҳатларга қаратилади. Ўз фаолиятига шу каби ўзгаришларни жорий этаётган "Туронбанк" АТБ учун ҳам умумий персоналнинг профессионал тайёргарлиги, трансформация жараёнидаги энг дастлабки масаладир. Айни шу мақсадда банк раҳбарияти тажрибали экспертлар иштирокида бир ҳафталик махсус ўқув – тренингни ташкил этди.

Интеллектга инвестиция киритишни ўзининг кечиктириб бўлмас вазифасига айлантирган банк бошқаруви йил 12 ой давомида ходимларнинг касбий тажрибаларини ошириб, халқаро амалиётдаги янгиликлар билан уларни батафсил таништириб боришади. Ҳар сафар маълум бир мавзу атрофида оддий мутахассисдан тортиб раҳбарларгача жамланади, фикр – мулоҳазалар алмашилинади, мавжуд муаммоли масалалар очиқ ва конструктив руҳда ўрганилади.

2021 йилнинг 18-23 январь кунларига белгиланган навбатдаги ўқув – тренинг ҳам шаклланган мазкур фойдали анъананинг узвий давоми бўлди десак адашмаган бўламиз. Унда "Туронбанк" АТБ тизимида фаолият олиб бораётган 20 та филиал бошқарувчилари ва банк департаментлари раҳбарлари иштирок этишди. Мавзу эса "Мижозларга хизмат кўрсатишда муваффақиятни қандай кафолатлаш".

Creative Financial Solutions консалтинг компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган тренингни тажрибали халқаро менторлар Михаил Вишняков ва Марат Раҳисовлар икки гуруҳга бўлган ҳолда қуйидаги йўналишлар бўйича олиб боришди. "Фаол менежерлик маҳорати", "Мижозлар билан ишлаш стратегияси", "Муомала маданияти", "Қалтис вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш қобилияти", "Стресс менежмент", "Фойдали хизмат кўрсатиш қоидалари", "Лидерлик кўникмалари", "Time менежмент" шулар жумласидандир. Аҳамиятли жиҳати шундаки, машғулотлар интерактив усулда турли хил дидактик материаллар ёрдамида ўтказилиб, иштирокчиларнинг фаоллигини ошириш мақсадида тест синовлари, амалий топшириқларга бой бўлди.

"Доим ҳам Республика миқёсида фаолият олиб бораётган ҳамкасбларимиз билан бир даврада ўтириш, ўзаро фикр алмашиб, дўстона алоқаларимизни янада яқин йўлга қўйиш учун имконият бўлавермас эди. Тренинг машғулотлари бошлангани, айнан шу томонлама бизга фойдали бўляпти. Биз ўз тажрибамиз ва назарий билимларимизни ошириш баробарида жамоавий руҳиятни ҳам тикламоқдамиз. Банкимиз ривожи йўлида амалга ошириш учун ўзимизга йўл хариталари ва аниқ режаларни тузяпмиз. Бундан ташқари, бизнес мураббийлар бизга вақтни тўғри сарфлаш, самарадорликка эришишда психологик машғулотлардан фойдаланиш, ҳар бир мижоз билан унинг феъл-атвори ва қадриятидан келиб чиққан ҳолда иш олиб бориш каби кўплаб мавзуларда тушунчаларни беришмоқда. Шахсан менга "Time менежмент" йўналиши ва афзалликлари жуда ҳам маъқул келди. Келгусида ўз иш фаолиятимда ушбу методларни қўллаб кўришга ҳаракат қиламан" – деди "Туронбанк" АТБ Юнусобод филиали бошқарувчиси Дилмурод Рўзибоев.

"Одатда чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи фуқаролар билан ишлаш, уларга янги банк маҳсулотларини етказиш, шаҳарникидан бироз мушкулроқдир. Шу сабабли кўп ҳолларда қалтис вазиятлар ва стресс жараёнларини бошдан ўтказишга тўғри келади. Бугунги бошланган тренингда менга айнан бундай вазиятларда қандай йўл тутиш бўйича берилган тушунча жуда ҳам ёқди. Яъни "Стресс менежмент" йўналиши менга маъқул тушди. Унда мураббийлар асабий вақтларда ўзини бошқариш, унинг салбий ва ижобий оқибатлари, психологик машқлар орқали бу вазиятдан чиқиш, позитив фикрлаш каби жиҳатлар ҳақида маълумот бериб, релаксацион ва нафас машқларини ўргатишди. Ўйлайманки, бундай тренинглар бизнинг келгуси фаолиятимизда жуда ҳам қўл келади. Ҳамкасблар билан бўлган муносабатларимизни яхшилайди" – деди "Туронбанк" АТБ Урганч филиали бошқарувчиси Сарвар Жуманиязов.

Агарда айни вақтда "Туронбанк" АТБ 19 мингга яқин юридик ва 780 мингдан зиёд жисмоний шахсларга ўзининг 20 та филиали, 72 та банк хизматлари офислари орқали тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиб келаётганини инобатга олсак, бу каби ўқув – тренингларининг ўтказилиши жуда ҳам муҳимдир. Сабаби, ҳар бир мижознинг мурожаати бу энг аввало унинг фаровонлиги ва эҳтиёжларининг тўлиқ қондирилиши далолатидир. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, "Мижозлар банк учун эмас, банклар мижоз учун ишлаши керак".

**Жорий йилнинг 22 январ куни АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасининг мазмун-моҳиятига бағишланган тарғибот тадбири ташкил этилди.**

# БАНК ХОДИМЛАРИ ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИ МАЗМУНИ БИЛАН ТАНИШДИ



Унда банк марказий идораси ходимлари ва видеоконференцалоқа орқали барча филиаллар ходимлари иштирок этди.

Мавзу юзасидан АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Бошқаруви раиси ўринбосари Б. Бобохонов, Тошкент Молия институти кафедра мудири Ж. Нуруллаев маъруза қилди. Тадбирда Мурожаатноманинг мамлакат иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва бошқа жабҳаларда яқин истиқболда амалга ошириладиган ўзгариш ва янгиланишлар учун муҳим асос экани таъкидланди ва ва банк тизими ривожига оид белгиланган вазифалар ижроси бўйича атрофлича фикр алмашилди.



Худди шу куни "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Бош офисида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган тарғибот тадбири бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти Даврон Муитов иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти Д.Муитов Президентимиз Мурожаатномаларидаги мақсад ва вазифалар мамлакатда амалга оширилаётган таркибий ислоҳотларда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини қайд этди. Таъкидланганидек, Мурожаатномаларда қайси йўналиш бўлмасин, хоҳ у ички ёки ташқи сиёсат, хоҳ ижтимоий-иқтисодий масала, хоҳ ҳуқуқ ва маънавият – буларнинг барчасида юртимизда тинчлик ва осойишталикни, халқ фаровонлигини оширишдек мақсадлар акс этади.

Жорий Мурожаатномада ҳам иқтисодий вазифалар юртимизда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилгани фикримизга далил бўла олади. Ҳужжатда ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилиши қайд этилди.

Мулоҳаза ва савол-жавобларга бой бўлган тадбирда иштирокчилар ўзларининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид амалий билимларини янада мустаҳкамлашга эришди.

# АСОСИЙ СТАВКА ҚАЧОН ПАСАЯДИ?

(Бошланиши 1-саҳифада)

Мазкур қарорга бағишланган матбуот анжуманида Марказий банк раиси ўринбосари Беҳзод Ҳамроев нима учун бу қарорга келингани ҳақида батафсил маълумот берди.

Қайд этилишича, ушбу қарор инфляция динамикасини янада пасайтириш, иқтисодиётда реал фоиз ставкаларини ижобий даражада сақлаб қолиш, шунингдек, иқтисодий фаолликнинг тикланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиб бориш мақсадида қабул қилинган.



***Унда асосий ставка қачон тушади?***

Марказий банк ҳисоб-китобларига кўра, 2021 йилда иқтисодиётга кредит қўйилмалари ҳажми номинал ЯИМ ўсишига мутаносиб бўлади ва 16-20 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда.

Тартибга солинадиган нархларнинг ўзгаришсиз қолиши ва инфляция омилларининг мувозанатлашиши ҳисобига 2021 йил якуни бўйича инфляция даражасининг 9,0-10,0 фоизга қадар янада пасайиши кутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, асосий ставкани пасайтириш бўйича илгари қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ трансмиссияси, шунингдек, пул-кредит шароитларининг нисбатан юмшатилишига иқтисодиётнинг мослашуви маълум вақтни талаб қилади.

Марказий банк баҳолашларига кўра, пул-кредит сиёсатининг жорий "нисбатан қатъий" шароитлари 2021 йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ўсишнинг базавий прогнозларини қўллаб-қувватлаш ва пул бозорида ижобий реал фоиз ставкаларни (3-4 фоиз даражасида) таъминлаш учун етарли ҳисобланади.

Лекин ставка пасайиш учун маълум бир эҳтимолий хатарлар борки, бу хатарлар инфляцияга ўз таъсирини кўрсатади. Хусусан, яқин ойларда иқтисодиётда инфляцияни оширувчи хатарларнинг кучайиш эҳтимоли пастлигича қолмоқда. Шу билан бирга, инфляциянинг бир марталик омилларининг вужудга келиш эҳтимоли ва инфляцион кутилмаларнинг юқори даражада сақланиб қолиши билан боғлиқ хатарлар мавжуд.



Яқин истиқболда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўсиши хатарлардан бири сифатида қолмоқда. Протекционистик сиёсат, экспортёрлар томонидан асосий озиқ-овқат товарлари экспорти бўйича чеклов чораларининг (квота ва тарифлар) киритилиши асосий озиқ-овқат товарлари импортининг қимматлашишига олиб келиши мумкин.

Шу сабабли, озиқ-овқат бозорлари барқарорлигини ошириш кўп жиҳатдан республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш комплекс стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга боғлиқ бўлади. Ички бозорни зарурий товарлар ҳажми билан таъминлаш бўйича таъсирчан чораларни кўриш, шу жумладан, базавий озиқ-овқат товарлари импорти географиясини диверсификация қилиш ва концентрациялашувини қисқартириш муҳим аҳамиятга эга.

Бунда Марказий банк ташқи ва ички шароитларни ҳисобга олган ҳолда инфляция хатарлари ва омиллари характерини чуқур ўрганишда давом этади ҳамда инфляциянинг прогноз динамикасидан келиб чиққан ҳолда асосий ставка бўйича тегишли қарорларни қабул қилади.

**Ўз мухбиримиз**

**Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида банк тизими зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш ва жойларда "маҳаллабай" ишлаш тизимини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Шу мақсадда мамлакатимизда тижорат банклари томонидан жойларда, туман ва шаҳарларда аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар ўтказилиб, ўз бизнесини бошлаш ва уни ривожлантириш истагида бўлган аҳолига кредитлар ажратиш ҳамда бошқа банк хизматларини таклиф қилиш устувор вазифага айланмоқда.**

# БУ МАҲАЛЛАДА "ТРАСТБАНК"НИ ЯХШИ БИЛИШАДИ



Жумладан, "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки ходимлари томонидан "маҳаллабай" тизими асосида турли хонадонларга бориб, ҳунармандлар, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган кишилар билан учрашувлар ташкил этилиб, уларга йўл-йўриқлар кўрсатилмоқда. Хусусан, "Трастбанк" хусусий акциядорлик банкининг Амалиёт бошқармаси ходимлари пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани Сузукота маҳалласида аҳоли билан учрашувлар ўтказди. Учрашув давомида маҳалладаги хонадонларнинг ер участкаларидан фойдаланиш даражаси, оилаларнинг даромад манбалари, даромадли меҳнат билан шуғулланишга бўлган қизиқишларини хонадонбай ўрганиб, кредитга бўлган эҳтиёжлари йўналишлар бўйича шакллантирилди ҳамда маҳаллада тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган фуқароларга кредит ажратилиб, уларнинг тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишларига имконият яратилди.

– Мен тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун банкдан 1 млрд. 300 млн. сўм имтиёзли кредит олдим, – дейди тадбиркор Санжар Одилов. – Ушбу кредит эвазига заргарлик фаолиятимни кенгайтириш мақсадида бино ва ускуналар сотиб олдик. Эндиликда ушбу мажмуада заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришдан то сотишгача бўлган жараёнлар қамраб олинади. Бундан ташқари, ота-боболаримиздан мерос қолган уста-шогирд анъанасини давом эттириш мақсадида шу ернинг ўзида ўқув маркази ташкил қилдим. Ўқув марказимиз маҳалла ёшларини фойдали ишлар билан машғул қилишга ўз ҳиссасини қўшиш билан бирга, уларга заргарлик ҳунарининг сир-асрорларини маблағ сарфламай, текинга ўрганишлари учун имконият бўлди.

– Корхонамизда "Трастбанк"нинг Амалиёт бошқармаси кўмагида дурадгорлик ишларини йўлга қўйганмиз, – дейди шу маҳалла тадбиркорларидан бири Собит Мелиев. – Бу ерда ишимиз асосан ёғочга ишлов бериш, наққошлик ва ўймакорлик санъати билан боғлиқ. Банкдан эса 3 ой аввал 100 млн. сўм кредит олдик ва бу маблағ эвазига ҳунармандлик ишларини ривожлантириб, ёғочдан тайёрланган халқ ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

– Бу ерда ёғочларга ишлов берар эканмиз, мойли ва мойсиз дарахтларни танлаймиз, – дейди яна бир тадбиркор Тўлқин Ғофуров. – Ҳаммом ва уйнинг бошқа жойлари учун турли ёғочлар танланади. Биз асосан ёғоч маҳсулотларини Россиядан келтиришимизга тўғри келади. Бунга эса "Трастбанк" томонидан ажратилаётган кредитлар асқотмоқда.

Юртимиз аҳолисининг кундалик ҳаётидаги ажралмас қисми бўлган ҳунармандчилик санъати, хусусан, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, кулолчилик, тўқимачилик, зардўзлик, созгарлик, кандакорлик, заргарлик неча-неча минг йиллик тарихга, ўзига хос ижодий мактаб ва анъаналарига, атоқли намояндаларига эга. Моҳир усталар томонидан тайёрланган кўплаб бадиий ҳунармандчилик ва амалий санъат маҳсулотлари бугунги кунгача дунёнинг машҳур музейларида сақланиши уларнинг жаҳон халқлари тарихида муҳим ўрин тутишини ҳеч кимга сир эмас. Банклар томонидан бу соҳаларнинг қўллаб-қувватланиши эса албатта қувонарли ҳолатдир.

Бир сўз билан айтганда, "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида Шайхонтоҳур туманида жойлашган Сузук ота маҳалласи аҳолиси ва ёш авлод ўзи қизиққан ҳунар эгаси бўлади. Катта ҳаёт остонасига қадам қўйиши билан ўзи эгаллаган ҳунарини давом эттириб тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш имконияти пайдо бўлади. Бу орқали эса маҳаллада ишсизлик кўпайиши, пул топиш учун четга чиқиб кетиш каби ҳолатларнинг олди олинади.



**Сабохат ҲАЙИТҚОРИЕВА**



# ҚОБИЛ КОМИЛОВ: "АҲОЛИ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИ – ЭНГ ОҒРИҚЛИ МАСАЛА"

**Газетамизда трансформация ишлари олиб бориш жараёнида сиз азиз ўқувчилар учун бир қатор янги рукнларни ташкил этдик. Шулардан бири "Очиқ суҳбат" рукнидир. Унда сиз молия-банк соҳасига оид бир-биридан қизиқ суҳбатларни кузатиб бориш имкониятига эга бўласиз.**

**Бугунги суҳбатдошимиз "Микрокредитбанк" АТБ Чакана бизнесни ривожлантириш департаменти директори Қобил КОМИЛОВдир.**

**– Кейинги бир йил ичида юртимиз тижорат банклари томонидан Банк хизматлари кўрсатиш марказларини очишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада "Микрокредитбанк" томонидан ҳам амалий ишлар қилинаётгани ҳеч кимга сир эмас. Онлайн хизматлар тобора ривожланиб бораётган бир пайтда бу амалиёт ўзини қанчалик оқлайди?**

*– Албатта, онлайн хизматлар кўлами йилдан-йилга ривожланиб бормоқда ва анъанавий банк хизматларини босқичма-босқич бозордан сиқиб чиқараётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бироқ ҳудудларда банк хизматлари марказларига ҳамон талаб юқорилигича қолмоқда. Боиси, бугунги кундаги замонавий банк фақат банк хизматларини кўрсатибгина қолмай балки мижозга ўз тадбиркорлигини юритишда ва аҳоли тадбиркорлигини ривожлантиришда, молиявий саводхонликни оширишда ҳам кўмакчи вазифасини бажармоқда. Шу сабабли банкимиз томонидан 2021 йилда ҳам 65 та янги банк хизматлари марказлари очиш режалаштирилган бўлиб, республикамизнинг барча ҳудудлари банк инфратузилмаси билан қамраб олинади.*

**– Ўтган 2020 йил давомида барча соҳа вакиллари учун синовли бўлди. Айниқса, банк тизими учун. Чунки банк ходимлари карантин кучайтирилган вақтда ҳам ишлашига тўғри келди. Шу билан бирга онлайн хизматларга талаб ортди. Шундан келиб чиқиб, банк учун 2020 йил қандай ўтди? Ютуқлар ва камчиликлар нималарда кўринди?**

*– 2020 йил нафақат маҳаллий банк тизими, балки бутун дунё иқтисодиёти учун ҳам оғир йил бўлди. Қатъий карантин шароитида ҳам банк тизими доимий фаолият юритиб келди ва мижозларга хизмат кўрсатишда ҳеч қандай танаффус юзага келгани йўқ. Бироқ банкка ташриф буюрувчи мижозлар оқими пасайганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Боиси, бугунги кундаги банк чакана амалиётларининг деярли барчасининг онлайн аналоглари мавжуд ва карантин ушбу хизматлар оммабоплигини ошириб юборди. Банк хизматларининг келажаги ҳам айнан онлайн банкинг эканлигини ҳамма билиб олди. Шу мақсадда "Микрокредитбанк" томонидан ҳам бугунги кунда янги мобил илова ишлаб чиқилаётган бўлиб, унда мижозларимиз учун энг сўнгги инновацион ечимлардан фойдаланилмоқда. Қисқасини айтганда, пандемия банкларимизнинг тезроқ рақамлашишига хизмат қилди.*

**– Бугунги кунда тижорат банклари бир-биридан қулай бўлган янги хизмат турларини таклиф этишмоқда. Бу борада "Микрокредитбанк" ҳам фаол саъй-ҳаракатлар олиб бораётганидан хабардормиз. Айтинг-чи, банк томонидан сўнгги вақтларда бошқа банкларимизда учрамайдиган қандай янги хизматлар жорий этилди? Уларнинг бошқа банк хизматларидан устун жиҳати нимада?**

*– Айни дамда банкимизда кўплаб янги хизматлар яратилган ва бу ишлар доимий давом этиб келмоқда. Мисол тариқасида "Онлайн истеъмол" кредитини келтириб ўтишим мумкин. Бунда доимий даромадга эга банк мижозлари мобил илова орқали ҳамкор ташкилотлар дўконларига ташриф буюриб ўзлари хоҳлаган техника ёки жиҳозларни бемалол олиб кетишлари мумкин. Бунда банкка ташриф буюриш шарт эмас кредитни 10 дақиқа ичида онлайн расмийлаштириш мумкин.*

**– Бугунги кунда аҳолимизнинг молиявий саводхонлиги у қадар юқори даражада деб айта олмаймиз. Ҳатто, банкоматдан пул ечишни билмайдиган кишилар ҳам учраб туради. Шундан келиб чиқиб, банк ўз мижозларини молиявий саводхонлиги ошириш учун бирор бир чора-тадбирлар амалга оширяптими? Айниқса, онлайн хизматларни кенг тарғиб қилиш борасида.**

*– Албатта, аҳоли молиявий саводхонлиги бу банк тизимидаги энг оғриқли масалалардан бири ҳисобланади. Бироқ бир нарсани тўғри тушуниш керак, ҳеч кимга мажбуран бирор нарсани ўргатишнинг имкони йўқ. Биринчи навбатда, аҳолининг ўзида қизиқиш бўлиши лозим. Биз айнан шу йўналишда иш олиб боряпмиз, яъни маълум бир хизматнинг онлайн аналогларига бонуслар ёки чегирмалар бериш, тарқатма материалларни қизиқарли интерактив усулда етказиш, онлайн хизматларни максимал даражада соддалаштириш каби ишлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари 2021 йилда банк томонидан маҳаллабай ишлашнинг янги тизими ишлаб чиқилган бўлиб, бунда ҳам аҳоли молиявий саводхонлигига катта эътибор қаратилган.*

**– Айни дамда банкларни энг қийнаётган масала бу – кредитларни ундирищдир. "Микрокредитбанк" томонидан муаммоли кредитларни ортиб кетмаслиги учун қандай чоралар кўрилмоқда? Кредитларни ундириш масаласида қандай усуллардан фойдаланиляпти?**

*– Муаммоли кредитлар ҳажмини камайтиришнинг энг самарали усули бу муаммоли кредитлар ажратмасликдир. Яъни кредит ажратишдан олдин мижозни чуқур ўрганиб, кейин қарор қабул қилиш. Шу мақсадда банкда мижозларни баҳолаш имконини берувчи Скоринг тизими ишга туширилган ва босқичма-босқич такомиллаштириб борилмоқда. Бундан ташқари кредитларни ундириш тизимини автоматлаштириш имконини берувчи Soft-collection тизимини ўрнатиш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.*

**– Маълумки, ҳар бир соҳанинг ривожи унинг кадрларига бориб тақалади. Бугунги кунда банкда кадрларни малакасини ошириш, айниқса, тўғридан тўғри мижозлар билан ишлайдиган ходимларни ўқитиш борасида қандай ишлар қилиняпти?**

*– Банкда янги HR тизими жорий қилинаётган бўлиб, унда ходимлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш масалалари ҳам алоҳида белгилаб ўтилган. Барча юқори ва қуйи тизим ходимларининг йиллик ўқув ва малака ошириш режалари тасдиқланган. Ходимлар билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб борувчи чакана хизматлар ходимлари учун ҳам хизмат кўрсатиш стандартлари тасдиқланган ва шу бўйича алоҳида ўқув соатлари ўтказиш режалаштирилган.*

*Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!*

**Бобур МУҲАММАДИЕВ
суҳбатлашди.**

БИЛАСИЗМИ?

# CIR КЎРСАТКИЧИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

**CIR – бизнес самарадорлигини акс эттирувчи кўрсаткич. Унинг даражаси ва динамикаси турли хил бўлиши мумкин ҳамда чет эллик инвесторлар бирор банк билан ҳамкорлик қилищдан аввал айни шу кўрсаткичларга алоҳида эътибор қаратадилар.**




Хўш, CIR (cost to income ratio) қандай ҳисобланади? Бунинг учун ҳисобот давридаги банк операцион харажатларининг банк операцион даромадларига нисбати инобатга олинади.

Операцион харажатлар деганда, албатта, банкнинг иш ҳақи, ижара ва таъминот, хизмат сафари ва транспорт, маъмурий, репрезентация ва хайрия, эскириш, суғурта, солиқ ва шу кабиларга йўналтирилган сарфини тушунамиз.

Операцион даромад – банкнинг соф фоизли даромадлари ва соф фоизсиз даромадлари йиғиндисидан иборат.

Ўз навбатида, соф фоизли даромад фоизли даромаддан фоизли харажатлар айирмасини ҳамда соф фоизсиз даромад эса фоизсиз даромаддан фоизсиз харажатлар айирмасини ташкил этади.

Мазкур ҳисоблаш методологиясидан айни пайтда Европа Марказий банки, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар фойдаланади.

Худди шундай, бизда ҳам тижорат банклари томонидан ҳар ой якунига кўра баланс маълумотлари бўйича ҳисобот тайёрланиб, Марказий банкка тақдим этиб борилади. Унга кўра, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига Халқ банки операцион самарадорлик кўрсаткичи (CIR) 49,3 фоизни ташкил этди.

Бу кўпми ё кам? Савол жавобини қуйидаги маълумотдан топасиз: банк амалиёти учун мақбул бўлган CIR кўрсаткичининг тавсиявий меъёри 50 фоизгача!

**Халқ банки Ахборот хизмати**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ ҚАРОРИ

## БАНК ХИЗМАТЛАРИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

*(2021 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 3030-6-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.)*

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/18-сон қарори (рўйхат рақами 3030, 2018 йил 2 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 27-сон, 553-модда) билан тасдиқланган Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради

**Марказий банк раиси** **Нурмуратов М. Б.**

***Тошкент ш.***
***2020 йил 09 декабрь,***
***26/7 сон***

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий банки бошқарувининг**
**2020 йил 9 декабрдаги 26/7-сон қарорига**
**ИЛОВА**

## БАНК ХИЗМАТЛАРИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. 1-банднинг учинчи хатбошиси "веб-сайтида" деган сўзлардан кейин, "интернет-банкинг тизимида ва/ёки мобиль иловасида" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 3-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"3. Банк хизматлари банк ва истеъмолчи ўртасида тузилган шартнома, шу жумладан оммавий оферта тарзидаги шартнома асосида кўрсатилади.";

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Шартномаларнинг матни давлат тилида тузилади. Истеъмолчи ва банкнинг ўзаро келишувига мувофиқ шартнома матни бошқа тилда ҳам тузилиши мумкин.".

3. 61-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

"Банк хизматлари масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали кўрсатилганда, банк истеъмолчига шартнома тузилишидан олдин мазкур тизим орқали шартнома шартлари билан танишиб чиқиш ва ундан нусха олиш имкониятини яратиб бериши лозим.".

4. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"7. Банк ўзининг молиявий хизматлари тўғрисидаги маълумотларни истеъмолчиларга давлат тилида етказиши лозим. Банкнинг молиявий хизматлари тўғрисидаги маълумотлар қўшимча равишда бошқа тилларда ҳам тақдим этилиши мумкин.

Банк хизматлари тўғрисидаги маълумотларнинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилиши керак.".

5. 12-банддаги "ўн" деган сўз "беш" деган сўз билан алмаштирилсин.

6. 121-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

"Агарда шартнома масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали тузилганда, банк истеъмолчига ушбу шартнома тузилган кунда, мазкур тизимлар орқали шартномадан фойдаланиш ва ундан нусха олиш имкониятини яратиши шарт.".

7. 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"18. Банк ўзининг расмий веб-сайтида, интернет-банкинг тизимида ва/ёки мобиль иловасида истеъмолчи учун шахсий кабинет яратиш ва ундан фойдаланиш имкониятини таъминлаб бериши лозим.

Банк истеъмолчига унинг шахсий кабинетида:

кредит шартномаси бўйича истеъмолчи билан тузилган шартнома ва унга киритилган ўзгартиришлар ҳамда мазкур Низомнинг 9-бандида кўрсатилган маълумотлардан;

омонат (депозит) шартномаси бўйича истеъмолчи билан тузилган шартнома ва унга киритилган ўзгартиришлар ҳамда омонат қолдиғи, омонат бўйича кирим-чиқим операцияларига доир маълумотлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаб бериши шарт.".

8. 23-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"истеъмолчиларга банк хизматларини кўрсатиш тартиби, шартлари ва қиймати, шу жумладан банк хизмати бўйича намунавий шартномалар матни (фақат расмий веб-сайтда);";

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"чет эл валюталарини сотиш ва сотиб олиш курслари, чет эл валюталарини алмаштириш курслари, шунингдек валюта айирбошлаш операциялари учун ундириладиган воситачилик ҳақи миқдорлари (агарда мавжуд бўлса);";

олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи ва саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

9. Қуйидаги мазмундаги 242–246-бандлар билан тўлдирилсин:

"242. Банк омонати (депозити) шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим. Бунда шартнома масофавий хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланилган ҳолда тузилганда, уни қонун хужжатларида белгиланган тартибда офертани акцептлаш орқали ҳам расмийлаштириш мумкин.

243. Банк ва омонатчилар ўртасида банк омонати (депозити) шартномаси, омонат суммаси банк кассасига қабул қилинган ёки омонат ҳисобварағига тегишли маблағ нақд пулсиз шаклда келиб тушган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади.

244. Банк омонатчига унинг пул маблағлари омонатга қабул қилинганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатни ёзма шаклда ёки масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали электрон тарзда тасдиқлаб бериши лозим.

245. Фуқароларнинг банкдаги омонатлари Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ кафолатланган бўлса, банк омонати (депозити) шартномасида бу ҳақда маълумот акс эттирилиши шарт.".

10. 26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"26. Банк омонати (депозит) шартномаси тузилгунга қадар банк истеъмолчига оғзаки тарзда қуйидаги ахборотни тақдим этади:

омонат (депозит) тури (талаб қилиб олгунча, муддатли, жамғарма);

омонат (депозит) муддати (мавжуд бўлганда);

омонатнинг (депозитнинг) энг кам суммаси;

мукофот ставкалари;

қўшимча битим тузмаган ҳолда омонат (депозит) муддатини узайтириш шартлари;

омонатни (депозитни) тўлдириш имконияти;

омонатни (депозитни) тўлиқ ёки қисман муддатидан олдин қайтариб олиш шартлари;

фоиз ставкалари;

омонат (депозит) бўйича асосий сумма ва фоизли даромадларни тўлаб бериш тартиби;

омонатга (депозитга) қўшимча маблағ киритиш имконияти;

омонатга (депозитга) нақд пулларни кирим қилиш қандай ҳужжат билан расмийлаштирилиши;

омонатга (депозитга) қўйиш мақсадида банк кассасига нақд пулларни топшириш ёки банк ҳисобварағига маблағларни ўтказишдан аввал банк билан депозит шартномасини расмийлаштириш шартлиги;

банк омонати (депозити) шартномаси бўйича назарда тутилган банк ва истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги тўғрисида.

Банк омонати (депозит) шартномаси масофавий хизмат кўрсатиш тизими орқали тузилганда, банк мазкур тизим орқали истеъмолчига шартнома тузилишидан олдин мазкур бандда кўрсатилган маълумотлар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.".

11. 351-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"351. Тижорат банкларига:

микроқарз шартномалари бўйича йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп миқдорида фоизлар ҳисоблаш, комиссия ва неустойка (жарима, пеня) ундириш, жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллаш;

кредит буюртмаларини кўриб чиқиш, ссуда ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатиш, кредитлар ажратиш учун тўловлар, шунингдек, жисмоний шахслар ва кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар (микроқарзлар)ни муддатидан илгари қоплаш учун неустойка (жарима, пеня) ундириш;

жисмоний шахсларга хорижий валютада кредитлар (қарзлар) бериш ва кредитлар (қарзлар) бўйича уларнинг мажбуриятларини хорижий валютада ҳисобга олиш;

илгари олинган кредитлар (қарзлар) бўйича сўндирилмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда жисмоний шахсларга янги микромолиявий хизматлар кўрсатиш тақиқланади.".

12. Қуйидаги мазмундаги 352-банд билан тўлдирилсин:

"352. Банкнинг дастурий таъминотида юзага келган носозликлар истеъмолчиларнинг мажбуриятларини ортишига ва уларнинг қонуний манфаатларига зарар етишига олиб келмаслиги лозим.".

13. 37-банднинг иккинчи хатбошиси учинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Хабарномани қўлга топшириш ҳамда у ҳақида телефон воситалари орқали оғзаки эслатмалар қилиш маҳаллий вақт билан соат 20:00 дан 8:00 гача йўл қўйилмайди.".

14. 373-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"373. Қарз олувчи-юридик шахснинг хорижий валютада кредит олишга бўлган танлови ва бундай танловга кўра хорижий валюта курсининг ўзгариши натижасида хорижий валютада олинган кредит бўйича миллий валютадаги қарз юкининг ошиши билан боғлиқ равишда келиб чиқадиган оқибатлар қарз олувчининг таваккалчилиги ҳисобланиши ҳақидаги шарт банк ва қарз олувчи ўртасида тузилган кредит шартномасида акс эттирилиши лозим.".

15. Қуйидаги мазмундаги 375-банд билан тўлдирилсин:

"375. Банк кредит бўйича тузиладиган гаров шартномасида банкнинг гаров таъминотига қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда қарз олувчининг кредитнинг қопланмаган қисмидан ортиқ суммада гаров таъминоти суммасини камайтириш ҳуқуқини, шунингдек гаров таъминотини камайтириш тартиби ва усулларини акс эттириши шарт.".

16. Қуйидаги мазмундаги 384-банд билан тўлдирилсин:

"384. Банк ўз филиали ёки унинг таркибий тузилмасида терминал орқали тўловларни амалга ошириш ёки банк картасидаги пул маблағини нақдлаштириш бўйича хизмат кўрсатганда банк картасини тақдим этувчига (банк карта эгаси ёки картани ишлатиш ваколати берилган шахс) ушбу картанинг "PIN-код"ини мустақил теришга имкон яратиб бериши лозим.".

17. Қуйидаги мазмундаги 401-банд билан тўлдирилсин:

"401. Банк томонидан истеъмолчилар билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда аниқ тартиб ва қўлланмалар кўрсатилган, шу жумладан мижозлар билан мулоқотга киришиш, эҳтиёжларини аниқлаш, маҳсулот/хизматни тақдим этиш, таклиф шакллантириш, эътирозлар билан ишлаш ва мулоқотни якунлаш жараёнида банк ходимларининг хулқ-атвори ва касбий одоб-аҳлоқ қоидаларини назарда тутувчи мижозларга хизмат кўрсатиш стандартлари жорий этилиши шарт.".

18. 44-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"44. Банк йўллайдиган талабномада қуйидаги ахборот кўрсатилган бўлиши керак:

банк номи ва уни идентификациялаш учун етарли маълумотлар;

талабнома расмийлаштирилган санадаги истеъмолчининг жорий қарзи миқдори ва таркиби;

қарзни тўлаш усул(лар)и;

истеъмолчи ўз мажбуриятларини бажариши лозим бўлган муддат (ўн кундан кам бўлмаслиги лозим);

талабномада кўрсатилган муддатгача истеъмолчи ўз мажбуриятларини бажармаслиги оқибатлари;

низони судгача ҳал қилиш усуллари.".

19. 45-банддаги "ҳал қилишнинг суддан ташқари" деган сўзлар "судгача ҳал қилиш" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20. 46-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"46. Истеъмолчи низони судгача ҳал қилиш юзасидан талабномада белгиланган муддатда кўрсатилган талабларни лозим даражада бажармаганда, банк судга даъво билан мурожаат этишга ҳақли.".

21. 6-бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"Якуний қоидалар"**

22. Қуйидаги мазмундаги 60-банд билан тўлдирилсин:

"60. Банк ўз ходимининг хизмат вазифасини бажариши давомида йўл қўйган ножўя хаттиҳаракатлари натижасида омонатчига етказилган зарарлар бўйича жавобгардир.».

# ҚОЗОҒИСТОН ИСЛОМ МОЛИЯСИ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАШИ МУМКИН

COVID-19 пандемияси оқибатида юзага келган глобал инқироз ҳамда нефть нархининг пасайиши оқибатида молиявий институтлар жиддий зарар кўра бошлади. Умумий сустлашувнинг таъсирида молиялаштиришнинг исломий шаклига бўлган эътибор кучайиб борди. Сабаби бу бозор нафақат молиявий барқарорликни сақлаб қолди, балки барқарор ўсишни ҳам қайд этди. Йилига ўртача 15-20 фоизга даромади ортди.




Бугунги кунда исломий молиялаштириш бозорида тахминан 700 та институт дунёнинг 90 дан ортиқ мамлакатларида ишлаб турибди. Йўналишлари ҳажми тахминан 2,4 триллион АҚШ долларига тенг бўлиб, 2023 йилга бориб ушбу кўрсаткич 3.8 триллион АҚШ долларига етиши башорат қилинмоқда. Исломий молиялаштиришнинг энг йирик тармоғи — ислом банкинги бўлиб, бозорнинг 72,4 фоизи уларга тегишли.

Бугунги кунда ислом банклари кредитлаштириш йўналишлари бўйича бир неча хил маҳсулотларни таклиф этади. Хусусан, ипотека, бизнесни кредитлаш, маҳсулотларга кредитлар ва анъанавий лизингнинг муқобил шаклларини тақдим этмоқда. Деярли уларнинг барчаси банк ва қарздор ўртасидаги ўзига хос битимга асосланади. Банк ўз мижози учун зарур маҳсулотни харид қилади ва устама нархда унга сотади. Бу ўринда у қарз берувчи сифатида эмас, балки сотувчи-даллол сифатида намоён бўлади.

Кредитлардан ташқари ислом банклари мижозларга ўзига хос жиҳатларга эга депозитларни ҳам таклиф этади. Биринчи навбатда, бу муайян ҳажмли фоизларнинг белгиланмагани ва судхўрликнинг мавжуд бўлмаганида кўринади. Мижоз нафақат омонатчи, балки тўлақонли ҳамкорга айланади. Исломий депозитларнинг икки асосий тури мавжуд — “вақала” ва “мудораба”. Биринчи турида мижоз ўз маблағини банкка топширади ва банк мижознинг розилиги билан шариат қоидаларига мос келадиган бизнес лойиҳани ушбу пуллар ёрдамида молиялаштиради. Мудораба эса омонатчи пулини банк ўз хоҳишига кўра молиялаштиришини назарда тутади.

Қозоғистонда ҳозирча икки ислом банки ишлаб турибди — Al Hilal ва Замон-Банк. 2020 йил ноябрь ойи охирига келиб уларнинг умумий активлари 81,9 миллиард тенгага тенг эди. Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 45,5 фоиз кўп демакдир. Айни пайтда активларнинг ўртача йиллик ўсиш ҳажми сўнгги уч йилда 30,3 фоизни ташкил этган. Шунга қарамай, банк тармоғида исломий банкнинг улуши паст даражада, 026 фоизга тўғри келади.

Борган сари маҳаллий ислом банкларининг маҳсулотлари оммалашиб бормоқда. Хусусан, кредитлаштириш борасида ўсиш кузатилмоқда: 2020 йил декабрь ҳолатига кўра ислом банкларининг ссуда портфели ундан аввалги йилдаги мос даврга нисбатан 47,4 фоиз ортган ва 39,7 миллиард тенгага етган. Масалан, Al Hilal банкининг ссудали портфели 82 фоизга ўсди ва 25,1 миллиард тангани ташкил этди. Замон банкидаги ўсиш улуши 11,1 фоиз, 14,6 миллиард тангани ташкил этди.

Исломий молияларнинг Қозоғистондаги бозори ривожланишига “Остона” Халқаро молия маркази катта ҳисса қўшмоқда. 2020 йил 16 декабрдан бошлаб хорижий банклар ўз филиалларини Қозоғистонда очиши мумкинлиги ҳисобга олинса, марказ мамлакатдаги ислом банклари бозорига янги иштирокчиларни жалб этишга эришади. Бунинг учун молиявий марказда барча зарур инфратузилма ва халқаро тажриба ва меъёрларга мувофиқ келувчи меъёрий-ҳуқуқий база яратилган.

Россияда 2020 йил декабрь ойида ажратилган истеъмол кредитлари ҳажми 516 миллиард рублдан ошган бўлиб, сўнгги вақтларда кузатилган энг катта маблағдир. Кўрсаткич йилдан йилга 4 фоизга ортган. Бу ҳақида «Коммерсантъ» нашри Бирлашган кредит бюроси маълумотига асосланиб, ёзди.

# РОССИЯЛИКЛАР РЕКОРД ДАРАЖАДА КЎП КРЕДИТ ОЛГАН

Кредитнинг ўртача ҳажми ҳам рекорд даражада бўлиб, 355 минг рублга етди. Ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан ўртача чек 12 фоиз ўсди. Унинг ортишига четга сурилган талаб, байрамолди чегирмалар ва туширилган фоиз ставкалари бўлиши мумкин, деб ёзади мутахассислар.

Бироқ берилган қарзлар сони ўтган йилга нисбатан 9 фоизга камайди. 2021 йилда бозор иштирокчилари иқтисодий вазият ва аҳоли даромадининг яхши томонга ўзгариши билан истеъмол кредитлари ҳам ижобий томонга ўзгаришига умид боғламоқда.



Аввалроқ НАФИ хабар берганидек, ҳар учинчи россиялик банкка кредитни қайтаришга тайёрмаслигини маълум қилган, бироқ қариндоши ёки танишидан олган қарзни қайтармасликни танқид қилишган. Мамлакатда кредитларни қайтармаганлар сони 2,1 миллион нафарга ортган ва жами бўлиб 11,7 миллион нафарга етган. Россияликлар пандемия даврида қарзларни қайтара олмаган. 2020 йилда 119 минг нафар фуқаролар ва якка турдаги тадбиркорлар банкрот бўлганини эълон қилган.

# ЕВРОПА ИҚТИСОДИЁТИНИ ҚУТҚАРИШНИ ТЎХТАТИШМОҚЧИ

**Европа Марказий банки (ЕМБ) пул-кредит сиёсатини ўзгартириш ниятида ва катта эҳтимол билан келажакда юмшатилиш сиёсати тўхтатиб турилиши мумкин, деб ёзади CNBC молиявий таҳлилчилар ўртасида ўтказилган сўровномага асосланиб. Шундай қилиб, тартибга солувчи коронавирус пандемияси оқибатида инқирозга дучор бўлаётган еврохудуд иқтисодиётини қутқаришдан воз кечади.**




Мутахассислар фикрига кўра, ЕМБ раҳбари Кристин Лагарднинг сўнгги фикрларига қараганда, яқин келажакда мамлакатларда коронавируснинг янги тўлқини туфайли чекловлар кучайтирилиши билан боғлиқ хабарлар кўпайган бўлса-да, МБ яқин орада асосий фоиз ставкаларини янада кучайтириш ниятида эмас.

Шунингдек, ЕМБ еврохудуддаги ўртача инфляция даражасига йилига икки фоизга тенг бўлишини назарда тутувчи мақсад сари қилаётган ҳаракатини ҳам тўхтатиб туриши мумкин. Молиячилар фикрича, мақсад сақланиб қолади, бироқ унга етишиш учун кўпроқ вақт талаб этиши мумкин.

Мувофиқлаштирувчи учун асосий мақсад — мақбул молиявий шароит яратиш билан боғлиқ бўлмоқда. Бу эса ўз ичига кўплаб омилларни киритувчи мақсад бўлиб, мамлакатнинг молиявий тизими миллий иқтисодиётнинг ривожига қанчалик таъсир кўрсатишини ўзида намоён этади.

Молиявий шароитлар ичида бозордаги фоиз ставкаларининг даражаси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ёрдамида компания ёки фуқароларнинг молиялаштиришга эга бўлиши нақадар енгил ёки йўқлигини кўрсатиб туради. Шундай қилиб, ЕМБ Европа иқтисодиёти учун мақбул даражада ҳисобланаётган амалдаги фоиз ставкаларини сақлаб қолишга интилмоқда. Мувофиқлаштирувчига реал сектор томонидан кредитга бўлган талаб унчалик аҳамиятга эга бўлмай туради, деб ҳисобламоқда мутахассислар.

Бундан ташқари, молиявий шароитларга эътибор қаратар экан, ЕМБ бу талабни янада оғриқлироқ масала билан аралаштиришга мажбур бўлади — давлат қарзи ставкаларининг даражаси, яъни ҳозирда кўплаб мамлакатларда уни қайтариш билан боғлиқ қийинчиликлар ортгани ЕМБни ўйга толдирмоқда.

Айни пайтда ЕМБнинг янги мақсади деярли эскиси билан қарама-қарши эмас, сабаби кредитлар бўйича паст фоиз ставкалари одатда инфляцияни ошириб юборади, яъни иқтисодиётда пул маблағлари кўпаяди ва омонат йиғишга бўлган рағбат пасайиб боради.

**Коронавирус пандемияси туфайли инқироз бошланганидан буён ЕМБ кенг миқёсли сон жиҳатидан юмшатиш дастурини жорий этди. Ушбу дастурга умумий ҳажми 1,85 триллион евролик маблағ йўналтирилади. У Еврокомиссия томонидан молиялаштирилиб, асосан кўпроқ жабр кўрган мамлакатларга берилади.**

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

# ЯНГИЙЎЛ КИЧИК

## ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ



**Шуҳрат ДЕҲҚОНБОЕВ,
Янгийўл шаҳар кичик саноат зонаси раҳбари**

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб, етарлича ғамхўрлик кўрсатиляпти. Бу бесамар кетаётгани йўқ. Буни тадбиркорларимиз сафи йилдан йилга кенгайиб, эришилаётган натижалар кўламини юксалиб бораётганидан билиш мумкин. Юртимиз тобора ривожланиб, ҳаётимиз фаровонлигини ортаётганлиги ҳам ана шундан. Бир оғиз сўз билан айтсак, Президентимизнинг "Тадбиркор бой бўлса – халқ бой бўлади" деган сўзлари ўз исботини топяпти.

Дарҳақиқат, тадбиркорлар етакчи ишлаб чиқарувчи кучга айланди. Уларнинг ютуқлари мамлакатимиз қудратига қудрат қўшмоқда. Ана шундай эътирофларга сазовор бўлаётганлар орасида астойдил изланиб, интилиб, меҳнат қилаётган, йилдан йилга катта муваффақиятларга эришаётган янгийўллик юзлаб тадбиркорлар ҳам бор, албатта.

Тошкент вилоятининг бой табиий, иқтисодий, минерал хомашё, илмий-техникавий ва меҳнат салоҳиятидан янада тўлиқ фойдаланиш, янги рақобатбардош саноат ишлаб чиқарувчилар ва кичик хусусий корхоналарни ривожлантиришни янада рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, саноат кооперациясини чуқурлаштириш ва шу асосда янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августда чиқарган "Тошкент вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан фаровон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги собиқ 2503-автоколоннасининг 2,61 га ер майдонида Янгийўл кичик саноат зонаси ташкил этилиб, ушбу саноат зонасига 12 та ташаббускор, 10 та лотга 14 та лойиҳа асосида ташкиллаштирилди.

Кичик саноат зонасининг 2.2 гектарни ташкил этган фойдали ер майдонига 19 млрд. 335 млн. сўмлик 14 та инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш кўзда тутилган эди. Амалда 20 млрд. 100 млн. сўмлик инвестиция киритилган мазкур лойиҳалар доирасида 248 та янги иш ўринлари яратилган.

Албатта, бу каби кичик саноат зоналарини ташкил этилиши ҳукуматимизнинг тадбиркорларга кўрсатилаётган эътибори ва ва ёрдамидир. Чунки, улар ўзлари ташкил этмоқчи бўлган корхона учун жой излаш, бино қуриш муаммоларига ортиқча вақт, маблағ сарфламай ўз технологияларини ўрнатиб, фаолиятларини бошлаш имконига эга бўлди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, кичик саноат зонасидаги лотлар барча тадбиркорларга 5 йилга ижарага берилган. Агар корхона фаолиятини тўғри ташкил этиб, яхши натижаларга эришса мулк ҳуқуқини тақдим этган ҳолда узоқ муддатли ижарага 10 йил муддатга берилади.

Янгийўл кичик саноат зонасида ўз корхонасини ташкил этган аксарият тадбиркорлар қулай имкониятдан самарали фойдаланиб, яхши натижаларга эришиш учун астойдил ҳаракат қиляпти. Улар томонидан 2019 йил жами ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 29 489 млн. сўм экспорт ҳажми 1235 минг АҚШ доллари, яратилган янги иш ўрни 89 тани ташкил этди. 2020 йилда эса жами ишлаб чиқаришга маҳсулот ҳажми 43 млрд. 570 млн. сўм, экспорт ҳажми 737 минг АҚШ долларига, янги иш ўринларини 145 тага етказишга эришди.

Янгийўл кичик саноат зонасида ўтган йилги пандемия шароитида ҳам иш тўхтамаганлигини рақамлардан билиш қийин эмас. Дарҳақиқат, кичик саноат зонасидаги барча корхоналар жамоаси пандемиядан ўзларини ҳимоя қилиш учун барча тавсия этилган қоидаларга амал қилган ҳолда ишни тўхтатмасликка интилди. Аксинча, олинаётган фойда ҳисобидан ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлиб қолган оилаларга, ҳамюртларга мурувват ёрдамларини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида, янги 2021 йилда тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича янада қулай шароитлар яратилиши алоҳида таъкидланди.

Мазкур Мурожаатномада Президентимизнинг: "Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, пандемия даврида иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тадбиркорлик давлат билан тенгма-тенг ҳисса қўшдилар. Шунинг учун барчамиз тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашимиз шарт. Бу борада ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш – барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим", – деб айтган сўзлари тадбиркорларимизни руҳлантириб, кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди, десак хато бўлмайди.

Бу – эътироф, бу – ишонч! Биз бу эътироф ва ишончни оқлашга астойдил ҳаракат қиламиз.

## ИЗЛАНИШЛАРИМИЗ БЕСАМАР КЕТМАЯПТИ



**Зиёдулла ТУРСУНОВ
"ALUKABEL PAYRAV" хорижий корхонаси раҳбари**

**Биз ҳам Янгийўл кичик саноат зонасида фаолият юритаётган корхоналардан биримиз. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида бунёдкорлик кўламини йилдан йилга кенгайиб бораётганлиги ва кабель маҳсулотига эҳтиёж ортаётганлигини ҳисобга олиб шу маҳсулотни ишлаб чиқаршни йўлга қўйдик.**

Корхонамизга ижарага берилган лотни Хитойда ишлаб чиқарилган замонавий технологиялар билан жиҳозлаб, 2018 йил октябрида дастлабки маҳсулотни ишлаб чиқардик. Аслида тайёргарлик жараёни 2017 йилда бошланган. Тайёрланиш ишида фақат жиҳозлар, янги технология олиб келиш, ишчи мутахассисларни танлаб олиш, тайёрлаш ва синовдан ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратдик. Чунки барча соҳада бўлганидек, биз танлаган йўналишда ҳам ўз ишини чин дилдан севиб, унинг сир-асрорларини ўрганиш учун астойдил интиладиган ишчи ва мутахассислар керак. Шундагина ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг нафақат ҳажми, сифатини ошириш мумкин. Чунки рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқармасак, харидорларимизни йўқотиб қўйишимиз аниқ. Бозорни, бозор иқтисодини қонун-қоидаси шундай. Бу қонун қоидаларга амал қилмаган тадбиркор катта муаммоларга дуч келиши аниқ. Шунинг учун биз бозор талабларига тўлиқ амал қилишга ҳаракат қиляпмиз. Тўғри бу осон кечаётгани йўқ. Лекин жамоамиз барча қийинчиликларни енгиб ўтишга, муаммоларни ўз вақтида ҳал қилишга астойдил ҳаракат қиляпмиз. Эътиборлиси, бозор шароитига мослашаяпмиз. Ишлаб чиқарган маҳсулотларимиздан эътироз эшитмадик. Ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиб бораяпти.

Дастлабки йилда 5 хил кабель маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, ҳозирги кунда 40 турдаги кабель маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. 2019 йилда 15 млрд. сўмлик маҳсулот сотган бўлсак, 2020 йилда бу кўрсаткич 30 млрд.га етказилди. Жорий йилда ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини 40 млрд. сўмга яқинлаштиришни ният қилганмиз.

Яқин кунлардан бошлаб кабелларни ўраш учун ёғоч барабанлар ишлаб чиқармоқчимиз. Бу, албатта қўшимча ишчи кучи талаб қилади. Шунинг учун яна 20 нафар ишчи ва мутахассисларни ишга қабул қилмоқчимиз. Шунда жамоамиздаги ишчилар сони 60 нафардан ошади.

Ҳозирги кунда жамоамиз аъзолари ўз ишларидан мамнун. Ишларига яраша ҳақ олишяпти. Корхонамизда барча шароитларни яратишга ҳаракат қилганмиз.

Ютуқларимиз ҳақида гапирганда бироз хижолат бўладиган жойларимиз ҳам бор. Чунки янги корхонамизда ҳали қиладиган ишларимиз, муаммоларимиз ҳам бор. Қиладиган ишларимиздан бири шуки, корхонамизга яна янги ускуналар ўрнатишимиз лозим. Янги харидорлар топиш, жамоамиз сафини кенгайтириш олдимизда турган вазифаларимиз жумласидандир.

Энди муаммоларга келсак, улар ҳам талайгина. Шундай муаммолар борки, ўзимиз – жамоамиз билан ҳал қилишимиз керак. Буни ўзимиз ҳал қиламиз албатта. Лекин бизга боғлиқ бўлмаган муаммолар ҳам бор. Ана шундай муаммолардан бири электр токининг тез-тез ўчиб туришидир. Бу маҳсулотларимизнинг сифатини бузилишига, таннархини қимматлашишига олиб келяпти. Бу қийинчиликни ижобий ҳал қилишда мутасадди ташкилотлар бизга кўмакдош бўлса, натижаларимиз янада яхши бўларди.



# САНОАТ ЗОНАСИДА

## ҒАМХЎРЛИККА МУНОСИБ ЖАВОБ БЕРИШГА ИНТИЛЯПМИЗ



Алишер Таджибаев "WELTEX" МЧЖ таъсисчиси

**Мен ҳам Президентимизнинг эътибор ва ғамхўрлигидан баҳраманд бўлган тадбиркорлардан бириман. Текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона очсаммикан деган орзу хаёлда юрган кунларимда Президентимизнинг "Тошкент вилоятида кичик саноат зоналари ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан 2503-автоколлнасига қарашли майдонда Янгийўл кичик саноат зонаси ташкил этилаётганлигини эшитиб қолдим. Шаҳар ҳокимлигига ўз лойиҳамни тақдим этиб, ташкил қилмоқчи бўлган корхона учун ана шу кичик зонадан лот ажратиб беришларини сўрадим. Ҳокимлик лойиҳамни тасдиқлаб муаммони тезда ҳал қилди. Менга барча қулайликка эга бўлган бино беш йилга ижарага берилди.**

Корхонани янги жамоа билан Хитой давлатидан олиб келинган махсус тикув машиналари билан жиҳозладик. Албатта иш бошлаш хамирдан қил суғургандек осон бўлгани йўқ. Лекин қийинчиликлардан чўчимай астойдил изландик, ҳаракат қилдик. Бу саъй-ҳаракатлар кутганимиздек самара берди. Тайёргарлик босқичидан муваффаққиятли ўтдик. Ишни ўз касбининг моҳир усталари бўлган малакали тикувчиларни корхонамизга жалб қилишдан бошладик. Кейин малакасиз бўлса ҳам ишсиз, кам таъминланган оилаларда истиқомат қилаётган хотин-қизларни ишга қабул қилиб, уларни касб маҳоратини оширишга алоҳида эътибор бердик. Ана шундай савоб йўлида қилган ишларимиз Худога хуш келди шекилли ишларимиз юришиб кетди. Россия, Германия давлатларидаги савдо корхоналари билан шартнома тузиб, 2018 йилнинг охирида жиддий ишга киришилди. Ҳозирги кунда корхонамизда ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотлари тўлиқ экспортга йўналтирилган.

Қувонарли томони шундаки, корхонамизнинг экспорт салоҳияти йилдан йилга ўсиб боряпти. Дастлабки йили 200.000 долларлик маҳсулотни экспорт қилган бўлсак, 2020 йил бу экспорт ҳажмини 1.000.000 долларга етказдик.

Харидорларимиз билан ўзаро келишув асосида иш юритяпмиз. Улар бизга ўзлари истаган харидоргир маҳсулотнинг намунасини жўнатишади. Биз ана шу намуна асосида маҳсулот ишлаб чиқариб, уларга жўнатамиз. Шунинг учун маҳсулотларимиз сифатли, бозорбоп.

Асосан болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқарилаётган корхонамизда ҳали имкониятлар катта. Биз ана шулардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Масалан, корхонамиз 50 нафар тикувчи билан иш бошланган эди. Бугунги кунга келиб "WELTEX"да 120 нафар хизматчилар меҳнат қиляпти. Яқин ойлар ичида яна 40 нафар тикувчини ишга қабул қилмоқчимиз. Чунки, корхонамизни зарур техникалар билан жиҳозлаб, унинг ўзида калава ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Бу маҳсулотларимизни таннархини пасайиши, ишчи хизматчиларимизнинг ойлик маошларини таъминлайди.

Аслида, ҳозир ҳам жамоамизнинг ҳеч бир аъзосидан олаётган маоши ёки яратилган шароитдан нолиганларини эшитганимиз йўқ. Чунки бу ишлар маъмуриятнинг доимий назоратида. Жамоамиз аъзоларининг корхонада яратилган шарт-шароитдан, берилаётган эътибор ва ғамхўрликдан кўнгли тўқ. Шунинг учун бўлса керак, ўтган йилги пандемия шароитида ҳам белгиланган қоидаларга тўлиқ амал қилиб, бетўхтов ишладик. Харидорларимиз талаб қилган маҳсулотларни кечиктирмай етказиб беришга эришдик. Бу йилги режаларимиз янада катта. Бу режалар ҳам Худо хоҳласа албатта амалга ошади.

## КУТИЛГАН НАТИЖАЛАРГА ЭРИШЯПМИЗ



Зубайда АБДУНАЗАРОВА, "WELTEX" МЧЖ бригада бошлиғи

Мен мактабда ўқиб юрган кезларимданоқ тикувчилик касбига қизиқардим. Дастлаб тикувчилик сирларини онамдан ўрганганман. Ўрта мактабни тугатгач, тикувчилик касбини мукаммал эгаллаш ниятида шу соҳада ўқидим. Тажрибали устозларимиздан замонавий дастгоҳларда ишлашни ўргандим.

Коллежда ўқиб юрган пайтларимизда дарсларда олган назарий билимларимизни амалий машғулотларда мустаҳкамлаб борардик. Бу танлаган касбимни мукаммал эгаллашимга катта ёрдам берди. Коллежни битиргач, Янгийўл кичик саноат зонасида тикувчилик фабрикаси ишга тушаётганлигини эшитиб, 2018 йилда шу ерга ишга келдим. Мутахассислар синовидан яхши ўтдим. Мени тикувчилар бригадаси бошлиғи вазифасига тайинладилар.

Ҳозирги кунда бригадамизда 80 та тикувчи бор. Уларнинг барчаси ўз касбига қизиқади. Ёш тикувчи қизларга билмаганларини ўргатяпмиз. Ҳали бу ерга бекор ишга келибман деб нолиган ишчини кўрмадим. Чунки корхонамизда тикувчиларимиз учун етарлича шарт-шароит яратилган.

Фабрикамиз Хитой давлатининг замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган. Корхонамизга ишга келаётган тикувчилар ана шу дастгоҳларда ишлашни пухта ўрганиб олса бўлгани, ишлари тезда юришиб кетади.

Энг муҳими, жамоамиз аҳил, иноқ. Бир-биримиздан ўрганиб, бир-биримизга ўргатиб ишлаяпмиз. Шунинг учун ҳам меҳнатимиз кутилган натижаларни беряпти.

## ИШИМИЗДАН БАРЧАМИЗ МАМНУНМИЗ



Гулчеҳра АНОРҚУЛОВА, тикувчи

Тўғрисин айтсам, мен бу ерга қанақа иш бўлса ишлайман, ойлик олиб, уйдагиларга ёрдам бераман деб келганман. Лекин корхонага келганимдан кейин моҳир тикувчиларни кўриб, уларни ишларини кузатиб, тикувчилик касбига чинакам меҳр уйғонди. Мен ҳам мана шу опа-сингилларимдек моҳир тикувчи бўлишни ният қилиб, кўнглимга тугиб қўйдим.

Лекин бу касбни сир-асрорларини пухта эгаллаш осон эмас экан. Менга тажрибали жамоадошларим ёрдамини аямади. Улар билмаганларимни ўргатди, адашганимда тўғрилади. Айниқса, бригадамиз саркори Зубайда опадан жуда хурсандман. Улар қийналганимда кўнглимни кўтариб, руҳлантирди, тикувчилик сир-асрорларини қунт билан ўргатди. Алоҳида тикув машинасида ишлашимга ишонч билдирди. Икки йил ичида росмана тикувчига айландим.

Хуллас, шу ерга иш сўраб келганимдан, ишлаётганимдан, устозларимнинг ишончини оқлаётганимдан хурсандман. Чунки бу ерга келиб фақат ишни эмас, касб эгаси ҳам бўлдим.

Жамоамизнинг барча аъзоси ўз ишидан мамнун десам хато бўлмайди. Чунки корхонамизда ишчилар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Иссиқ овқат, ишга бориб келишимиз учун автобус ташкил қилинган. Ойлик маошимиздан кўнглимиз тўқ.

Келгусида ишларимиз бундан ҳам яхши бўлади. Буни ишонч билан айтаётганимни боиси шуки, раҳбаларимиз ғамхўр, меҳрибон, изланувчан, жамоамиз эса аҳил. Аҳил-иноқ жамоага изланувчан, ғамхўр раҳбарлар ташкилотчилик қилса ишлар юришаверади.

БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ
БИЗНЕС
ФИНАНСЫ
АНАЛИТИКА
ИНВЕСТИЦИИ
ЭКОНОМИКА
СТАТИСТИКА

# *УЗБЕКИСТАН В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ:* ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ СОХРАНЯЕТСЯ

**По итогам 2020 года экономика Узбекистана демонстрирует устойчивость к шокам. В 2020 году, невзирая на пандемию, экономика страны избежала рецессии, сохранив положительную динамику.**



По данным Госкомстата валовый внутренний продукт за январь-декабрь увеличился на 1,6% и составил 580,2 трлн. сумов.

В разрезе секторов экономики эксперт Центра экономических исследований и реформ Руслан Абатуров анализирует ситуацию в рамках итогов за 2020 год.

***Возврат большинства секторов экономики*** к нормальному функционированию в четвертом квартале позволил нарастить производственную активность, тогда как по итогам трех кварталов в экономике сохранялся слабый рост на уровне 0,4%.

В соседних странах и основных торговых партнерах Узбекистана пандемия также оказала значительное влияние на экономическое развитие. ВВП Казахстана по итогам года сократился на 2,6% против роста на 4,5% в 2019 году. В России в конце года падение годового ВВП оценивалось на уровне 3,8%. ВВП Кыргызстана в январе-декабре 2020 год сократилось на 8,6%.

Экономика Китая за 2020 год, между тем, выросла на 2,3%. Однако это минимальный показатель роста за последние 45 лет.

***Инфляция продолжает снижаться*** в Узбекистане - годовой уровень индекса потребительских цен к декабрю 2019 года составил 11,1%, в сравнении с 15,2% за 2019 год. Замедление роста, цен по сравнению с предыдущим годом, отмечается по продовольственным, непродовольственным товарам и услугам. При этом основным драйвером инфляции, по-прежнему, остается рост цен на продовольственные товары на 15,3% (за 2019 г. на 18,6%), отмечает эксперт в статье.

Одним из ощутимых последствий пандемии стало снижение инвестиционной активности. Объем инвестиций в основной капитал снизился на 8,2%. При этом, нужно заметить, что спад отмечается в централизованных инвестициях почти на 35%, главным образом, за счет сокращения инвестиций из бюджета на 33,6% и иностранных инвестиций и кредитов под гарантию правительства на 28%. Объем инвестиций из нецентрализованных источников, напротив, по итогам года подрос на 2%, в основном из-за увеличения инвестиций за счет средств предприятий на 11,2%.

Во всех секторах экономики удалось сохранить рост производства. Объем выпуска сельского лесного и рыбного хозяйства увеличился на 3%. При этом необходимо отметить двузначную динамику роста в рыбном хозяйстве на уровне 19,8%, развитие которого в последние годы пользуется повышенным вниманием со стороны государства.

В промышленности удалось преодолеть наблюдаемую в течение апреля-октября 2020 года рецессию и выйти на скромный рост - на уровне 0,7%. Основным драйвером стала обрабатывающая промышленность, нарастившая объемы производства на 7,1%, что даже выше роста в 2019 году на 6,6%. Среди отраслей обрабатывающей промышленности в 2020 году наибольшее увеличение производства наблюдается в производстве электронной, оптичéской и компьютерной продукции на 70,6% (но его доля в общем объеме промышленного производства остается относительно низкой – 0,9%), производстве текстиля на 15,4%, готовых металлических изделий на 14,8%, фармацевтической продукции на 13,4%, продуктов питания на 8,7% и других отраслях. В добывающей промышленности, напротив, отмечается достаточно серьезный спад – почти на 22%, в том числе за счет спада добычи природного газа, гравия, щебня. Также аналитик отмечает рост на 12,5% в сфере электроснабжения, подачи газа, пара и кондиционирования воздуха.

В секторе строительства темпы роста хотя и замедлились с 22,9% в 2019 году до 9,1% по итогам 2020 года, но все-таки имеют высокий уровень динамики.

***Сектор услуг,*** несмотря на серьезное негативное влияние пандемии на сферы проживания и питания, пассажирских перевозок, розничной и оптовой торговли, также смог по итогам года сохранить положительную динамику на уровне 2,3%, тогда как в 2019 году рост составлял 13,2%. Объем розничного товарооборота в 2020 году увеличился на 3,2%, отмечает эксперт.

В сфере транспорта отмечается спад по основным показателям. Так грузооборот снизился на 4,8%, пассажирооборот на 16,7%, что неудивительно, учитывая два периода жестких ограничительных мер на перевозки в стране, а также спад спроса на экспортируемую продукцию на внешних рынках.

Отрицательно пандемия сказалась на внешней торговле республики. По итогам года, внешнеторговый оборот сократился на 13,1% до 36,3 млрд. долл. Объем экспорта составил 15,1 млрд. долл., снизившись на 13,4% в сравнении с аналогичным периодом предыдущего года. Сократился и объем импорта на 12,8% до 21,2 млрд. долл. Внешнеторговое сальдо сложилось отрицательным - $6 млрд.

В структуре экспорта основной спад пришелся на услуги – на 41,7%, и экспорт энергоносителей и нефтепродуктов — на 73,9%. Также снизились и стоимостные объемы экспорта плодоовощной продукции - на 16,5%. В то же время увеличился экспорт текстиля и одежды на 18,1% - до $1,9 млрд., золота – на 18%, машин и оборудования – на 9,4%, черных металлов и изделий из них – на 4%.

В структуре импорта снижение, в основном, отмечалось по услугам - почти на 50%, черным металлам и изделиям их них – на 20%, машин и оборудования – на 16,2%.




*Аналитик отмечает, что Узбекистан, в условиях пандемии и вызванной ею рецессии в экономиках других стран, смог сохранить положительную динамику экономического роста. Использование точечных ограничительных мер, исходя из эпидемиологической обстановки, позволило избежать полного прекращения работы большинства предприятий и перейти к восстановлению деловой активности. Четвертый квартал прошел для экономики относительно спокойно, что создало необходимые условия для возврата к привычному ритму жизнедеятельности предприятий и наращиванию производства. Таким образом, несмотря на все трудности, экономика нашей республики продемонстрировала устойчивость к шокам.*

# КОНКУРЕНЦИЯ,
## ИНВЕСТИЦИОННЫЙ КЛИМАТ, ИНФРАСТРУКТУРА - ОСНОВНЫЕ ДРАЙВЕРЫ РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ

**Кризис, спровоцированный Covid-19, повлиял на экономику Узбекистана. Были предприняты, и предпринимаются сегодня, ряд антикризисных мер, направленных на смягчение последствий пандемии для населения и экономики республики.**



Так, с учетом показателей конца 2020 года и первой половины января 2021 года, ситуация в нашей стране соответствует базовому прогнозу, говорится в аналитическом обзоре Центрального банка. Перспективы роста ВВП выглядят оптимистично, поскольку продолжается реализация реформ в различных секторах экономики, способствуют повышению эффективности и применяемые ресурсы со стороны государства.

Основными драйверами экономики в 2021 году аналитиками названы структурные изменения и экономические реформы в реальном секторе экономики, направленные на развитие конкуренции, улучшение инвестиционного климата и инфраструктуры.

В части прогнозов на 2021 год отмечается, что, с учетом показателей IV квартала 2020 года и первой половины января, макроэкономические условия формируются согласно базовому прогнозу регулятора. «Фискальное стимулирование и эффекты относительного послабления денежно-кредитных условий в 2020 году, будут способствовать поддержанию экономической активности в первой половине 2021 года со стороны спроса. При этом, рост реального ВВП в 2021 году прогнозируется на уровне 4,5-5,5%», сообщается в аналитическом обзоре.

Согласно оценкам, объем кредитных вложений в экономику в 2021 году будет пропорционален росту номинального ВВП – в пределах 16-20%. С учетом неизменности регулируемых цен и баланса факторов инфляции ожидается дальнейшее снижение инфляции — до 9,0-10,0% к концу 2021 года.

По оценкам специалистов ведомства, требуется определенное время для полной трансмиссии ранее принятых решений по снижению основной ставки, а также адаптации экономики к относительному смягчению денежно-кредитных условий. И текущие «относительно жесткие» условия денежно-кредитной политики являются достаточными для поддержания базового прогнозного роста экономики в первой половине 2021 года и обеспечения положительных реальных ставок - на уровне 3-4% - на денежном рынке.

Что касается рисков, то «в ближайшие месяцы сохраняется низкая вероятность преобладания повышающих факторов инфляции в экономике. В то же время имеются риски, связанные с вероятностью возникновения разовых факторов инфляции и сохранения инфляционных ожиданий на высоком уровне», говорится в отчете. Одним из таких рисков в ближайшей перспективе, по оценкам аналитиков центробанка, остается рост цен на продовольственные товары. «Политика протекционизма, введение ограничительных мер (квот и тарифов) на экспорт основных продовольственных товаров со стороны экспортеров также может привести к удорожанию импорта основных продовольственных товаров», отмечается в отчете.

В этой связи, повышение стабильности и устойчивости продовольственных рынков будет во многом зависеть от разработки и реализации комплексной стратегии обеспечения продовольственной безопасности в республике, поясняют аналитики. Важное значение будут иметь меры реагирования по стабильному обеспечению внутреннего рынка необходимым объемом товаров, в том числе за счет диверсификации географии и снижения концентрации импорта базовых продовольственных товаров.

# ФАКТОРЫ, ПОВЛИЯВШИЕ В 2020 ГОДУ НА ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ

**Чтобы сохранить в экономике Узбекистана положительный уровень реальных процентных ставок, укрепить необходимые условия для продолжения восстановления экономической активности, регулятор сохранил основную ставку — на уровне 14% годовых.**

По данным Центрального банка, со второй половины 2020 года, на фоне пандемии, относительная стабильность регулируемых цен, сдержанность потребительского спроса и изменившиеся макроэкономические условия способствовали замедлению годовых темпов прироста цен. По итогам года уровень инфляции составил 11,1%, опустившись с 15,2% в 2019 году.

Наибольший фактор, повлиявший на инфляцию (6,5 п.п.), стал рост цен на продовольствие, отмечается в сообщении регулятора. Инфляция группы продтоваров оставалась существенно выше общей, и по итогам года составила 15,3%. Повышательное давление на продовольственную инфляцию оказывали сезонные факторы — устойчивый потребительский спрос на них, динамика роста цен на мировых рынках продовольствия и в странах - основных торговых партнеров Узбекистана. При этом, наиболее значительный эффект оказало повышение цен на базовые продукты питания. В частности, цены на картофель выросли на – 42%, яйца – 38%, масло и жиры – 27,0%, сахар – 21%, мясопродукты – 18,1% и хлебопродукты – 15,2%, приводится в сообщении регулятора.

В тоже время темпы роста цен на непродовольственные товары и услуги в 2020 году были значительно ниже общего уровня и составили 8,8% и 7,1%, соответственно.

Годовой уровень базовой инфляции в декабре продолжил формироваться выше общего роста цен, незначительно ускорившись до 11,7%, отражая тенденции роста цен на продовольственные товары и относительной стабильности регулируемых цен, отмечают аналитики ведомства.

